

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Кадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, ҳурматли журналистларни, нашриёт ва матбаа, радио ва телевидение соҳаси фидойиларини, муҳтарам фахрийларимиз, юртимиздаги барча муштарийларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан табриклаб, сизларга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни билдиришдан мамнунман.

Барчамизга яхши маълум, бугунги ҳаётимизни сизларнинг мураккаб ва масъулиятли фаолиятингиздан, оммавий ахборот воситаларидан айри ҳолда асло тасаввур этиб бўлмайди.

Сизларнинг машаққатли меҳнат маҳсулингизни миллионлаб одамлар қаерда бўлмасин, доимо катта қизиқиш ва эътибор билан кутади. Дунёда кечаётган турли-туман воқеа ва жараёнлар ҳақида сизлар етказадиган тезкор ва холис ахборотнинг, ҳаётини муаммолар, кундалик ташвишлар ва уларни ҳал қилиш йўллари ҳақида журналист аҳли билдирадиган таъсирчан сўзнинг аҳамияти ва салмоғи ҳозирги замонда тобора ортиб бормоқда.

Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг "Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлгил, ҳам жонларига моя дармон бўлгил" деган хикматли сўзлари аввало сизлар каби заҳматқаш ва фидойи инсонлар шаънига айтилган, десак, ўйлайманки, янглишмаган бўла-миз.

Ҳақиқатан ҳам, сизларнинг мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, одамларимизнинг онгу тафаккурини юксалтириш, уларни Ватанимиз олдида турган улкан мақсадлар сари сафарбар этиш йўлида қилаётган эзгу хизматларингизни халқимиз, жамоатчилигимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Муҳтарам юртдошлар!

Биз бугун қандай шиддат билан ўзгараётган ва ривож топаётган, илгари учирамаган, ечимни ўта оғир ва мураккаб бўлган турли-туман муаммоларни тугдираётган XXI асрда яшаётганимизни ҳеч эсимиздан чиқармаслигимизни истардим.

Шулар қаторида, авваламбор, глобаллашув жараёнлари тобора тезлашиб, дунёнинг бир чеккасида юз берган воқеа-ҳодисалар унинг иккинчи бир четиде зудлик билан акс-садо бераётган бир пайтда, бу ҳолатнинг ўзи барчамиздан замонавий билимларни, интеллектуал салоҳият, ахборот-коммуникация технологияларини, хоржий тилларни мукамал эгаллашни, бир сўз билан айтганда, профессионал малакамизни ошириш учун ўз устимизда мунтазам ишлашни талаб қилаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз зарур - ҳозирги вақтда нафақат ҳаёт, балки инсоннинг ўзи, унинг ички дунёси, ҳаётга муносабати ва талаби ҳам тубдан ўзгармоқда. Ана шундай кўпқиррали шароитда бугунги журналист, бугунги матбуотчи бу ҳақиқатни чуқур англаган тақдирдагина самарали фаолият кўрсата олиши мумкинлиги ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ.

Шу нуктага назардан қараганда, мамлакатимиз аҳолисини, замондошларимизнинг ҳаёти ва дунёқарашини кечаги - 90-йиллардаги одамларнинг ҳаёти ва дунёқарашини билан солиштирадиган бўлсак, ўртада ер билан осмонча фарқ борлигини кўриш, кузатиш қийин эмас.

Ўз-ўзидан равшанки, бугун биз яшаётган янги давр, янгица ижтимоий муносабатлар оммавий ахборот воситаларининг олдида тез суръатлар билан ўзгариб, ривожланиб бораётган жамоатимизнинг талабларига ҳар томонлама муносиб бўлиш, одамларни ўйлантираётган, безовта қилаётган муаммоларга жавоб излаш, уларни кун тартибига қўйиб, жамоатчилик фикрини шакллантириш бўйича ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Шуларнинг барчасини инobatга олган ҳолда, кейинги йилларда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг демократик ислохотлар жараёнидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш, уларнинг ҳуқуқий, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, журналист касбининг ижтимоий мақоми ва нуфузини юксалтириш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида амалга оширган

ишларимиз ҳақида албатта кўп гапириш мумкин.

Мен бу борада фақатгина баъзи бир мисолларга эътиборингизни қаратишни ўринли, деб биламан.

Сўнги йилларда юртимизда оммавий ахборот воситалари соҳасида 10 га яқин қонун қабул қилиниб, кўплаб қонун ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Бу ҳақда сўз юритар эканмиз, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи доимий эътиборимиз марказида бўлиб келаётганини таъкидлашни хоҳлардим. Бунинг тасдиғини охириги 7 йилда соҳа ривожини учун давлат бюджети ҳисобидан кредитлар, ижтимоий буюртмалар ва давлат грантлари шаклида қарийб 13 миллиард сўм маблағ ажратилгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг сони 3,6 карра кўпайиб, ҳозирги вақтда 1 минг 400 дан ортиқни ташкил этаётгани, уларнинг моддий-техник базаси тубдан яхшилангани бизнинг бу борада қандай катта тараққиёт йўлини босиб ўтганимизни кўрсатади.

Мамлакатимизда аънавий ахборот воситалари билан бир қаторда, интернет журналистикаси ҳам жадал ривожланмоқда. Кейинги 5 йилнинг ўзиде веб-сайтларнинг сони 2 баробар ортиб, 300 дан ошиб кетгани мамлакатимиз миллий ахборот маконининг мазмуни ва манзарасини тубдан ўзгаришига хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда юртимизда 66 та телеканал, 34 та радиоканал фаолият кўрсатаётгани электрон медиа тармоқларнинг самараси ва салмоғи ҳам тобора юксалиб бораётганидан далолат беради.

Кейинги пайтда амалга оширган кенг қўламли ишларимиз натижасида ҳозир Ўзбекистон аҳолисининг 54 фоизи рақамли телевидение имкониятларидан фойдаланмоқда. Жорий йилнинг ўзиде мамлакатимиз бўйича яна 84 та юқори қувватга эга бўлган телеузатгич мосламалари ўрнатилди ва шу тариқа барча худудларимизни 100 фоиз рақамли телевидение билан қамраб олишга эришамиз.

Ҳозирги вақтда биргина Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибидеги телеканалларнинг бир сутка давомидаги умумий эфир вақти 520 соатни ташкил этмоқда. Ҳолбуки, яқин ўтмишда бу рақам бор-йўғи 24 соатга тенг эди. Айни пайтда миллий теледестурларимиз сунъий йўлдош орқали дунёнинг юздан ортиқ давлатларига узатилиб, жаҳон жамоатчилигини Ўзбекистоннинг қадимий тарихи, бой маданияти, бугунги сермазмун ҳаёти билан таништиришда катта роль ўйнамоқда.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шартини бўлган нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳам ҳаётимизга чуқур кириб бормоқда. Юртимиздаги босма нашрларнинг 60 фоизга яқини, телерадиоканалларнинг 67 фоизи, интернет нашрларининг эса 95 фоизи давлатга қарашли бўлмаган оммавий ахборот воситалари экани бунинг амалий тасдиғидир.

Кадрли дўстлар!

Бугунги хурсандчилик кунда матбуот ва ахборот соҳасида эришган ютуқларимиз, олдимизда турган вазифалар билан бирга соҳанинг келажақ истиқболлари хусусида фикр юритишимиз албатта ўринлидир.

Бу ҳақда гапирганда, "Биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик, эртага қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?" деган давлат авваламбор ҳеч кимдан кам бўлмасдан, доимо ҳаётнинг олдинги сафарида бўлишга интилиб яшайдиган сиз, ҳурматли матбуот аҳлига дахлдор эканини барчангиз яхши тушунасан.

Биз ўз олдимизга дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига киришдек улкан ва шарафли вазифани қўйган эканмиз, мамлакатимизнинг жаҳон майдонидаги кескин рақобатга ҳар томонлама қодир бўлишини бундай юксак маррага эришишнинг асосий шартини гарови сифатида кўрамиз. Шу маънода, миллий журналистикамиз халқаро медиа маконида ўзининг муносиб ва мустаҳкам ўрнини эгаллаши бугунги кунда энг долзарб вазифамиз бўлиб қолмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни



Эътибор ва ғамхўрлик – матбуотимиз ривожининг муҳим омили

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамоллигида мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни кўз қоричиғидек асраб-авайлаш, Ватанимизни жадал равию топтириш йўлида амалга оширилаётган изчил ислохотлар журналистларга ҳам масъулиятли вазифалар юклатмоқда.

Ўзбек Миллий академик драма театрида 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан бўлиб ўтган тантанали тадбирда бу жиҳатлар яна бир карра акс этди. Унга сенаторлар, депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари, оммавий ахборот воситалари, ноширлик соҳаларида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган фахрий журналистлар, матбаачилар, олий

ўқув юрларининг журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари, талабалар тақлиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

(Давоми учинчи бетда)

Yangi qonun mohiyati

Такомиллашаётган қонунлар

мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилади

Мамлакатимизда маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар босқичма-босқич, демократик тамойиллар асосида изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Бунинг амалий исботини ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тобора ривожланаётгани, аҳоли фаровонлиги тобора ортиб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

(Давоми учинчи бетда)

Seminar

Ҳуқуқий журналистика истиқболлари

Давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, ислохотларимизнинг янги босқичида оммавий ахборот воситаларининг суд ҳокимияти билан ўзаро муносабати масаласи алоҳида диққат-эътибор қаратишни талаб этади. Зеро, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишдек кенг миқёсда ўзгаришлар, аввало, ҳар қайси фуқаронинг манфаатини ҳимоялайдиган қонун ва нормалар оммавий ахборот воситалари томонидан таништирилиб ва ёритилиб борилиши зарур.

Олий судда "Суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро муносабати: бугунги ҳолати ва истиқболлари" мавзусида ташкил этилган семинарда мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишларни такомиллаштиришга эътибор қаратилди.

Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда

суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази директори Н.Жўраев, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати раиси Х.Ёдоров ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг бевосита раҳбарлигида суд-ҳуқуқ соҳасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилганини таъкидлади.

(Давоми иккинчи бетда)

Xabar

Олий суд Пленуми мажлиси



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий суд судьялари, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

(Давоми иккинчи бетда)

Маъмурий юстиция: Ўзбекистон тажрибаси



Пойтахтимизда Ўзбекистонда маъмурий юстицияни ривожлантиришнинг асосий йўналишларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

(Давоми учинчи бетда)

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу борада кейинги пайтда бир қатор ривожланган давлатлар, дунёда ном қозонган нуфузли медиакомпаниялардан малакали мутахассис ва журналистлар юртимизга тақлим қилиниб, улар иштрокида матбуот ходимлари учун ўқув семинарлари ва амалий машғулотлар ўтказиш йўлга қўйилгани эътиборга лойиқдир. Бу тажрибанинг кенг қўлланиши туфайли ўтган йилнинг ўзида 650 дан ортиқ матбуот ходимларимиз ўз малакаси ва маҳоратини оширишга эришганини, шу билан бирга, қўллаб-қувватлаш бўлиб қолди. **Чунки, маънавиятни асраш — аввало инсонийликни, инсоннинг ўзини асраш демократия.** Маънавий дунёмизга қарши қаратилган таҳдид ва хуружлар тобора кучайиб бораётган бугунги вазиятда бу ўткир ҳақиқатни барчамиз асло унутмаслигимизни истардим.

Шулар ҳақида гапирганимиз, рухсатингиз билан, илгари ҳам айтган фикримни яна бир бор эслатмоқчиман. Биз моддий томондан ривожланган мамлакатлардан балки ҳозирча биров орқададирми, лекин маънавий жиҳатдан манаман деган давлатлардан ўтиб кетганимиз, деб айтишга барча асосларимиз бор. **Бугунги кунда бошимизни банд қўтариб, гурур ва ифтихор билан яшашга имкон берадиган бундай бебаҳо бойликни қўлдан чиқармасдан, ёшларимизга ҳам етказасан, уларнинг онги ва қалбига чуқур сингдирсан, азиз фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида баркамол инсонлар этиб тарбияласан, ҳеч шубҳасиз, эртанги кун, келажак бизникидир.**

Ана шундай ўта муҳим ва долзарб вазифани адо этишда жамиятимиз, барчамиз аввало сизларга, сизларнинг билим ва тажрибангиз, профессионал маҳоратингиз, гражданлик позициянгизга таянамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, эл-юрт манфаати, адолат ва эзгулик йўлида ҳамisha ўзини аямасдан меҳнат қиладиган сиз, азиз журналистларни мен доимо қўллаб-қувватлашга, ҳар томонлама ёрдам ва кўмак беришга тайёр эканлигимни, сизларнинг ўзинингиз энг яқин ҳамфикр ва маънавий шерикимиз деб билишимни яна бир бор эътиборга олади.

Азиз дўстлар!

Бугунги кунда айёмда сизларни касб байрамингиз билан самимий муборакбод этиб, барчангизга сўхат-саломатлик, бахт ва омад, ижодий камолот тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Хурматли ватандошлар!

Хаммамизга аёнки, инсон бу ҳаётда бахт учун дунёга келади. Лекин бахт дегани фақат моддий бойликка интилиб, молу давлатга, ҳавойи орзуларга берилиб яшашни аниқламайди. Бахт — бу, менинг назаримда, «аввалб тинч-босойишта» ҳаёт, «оила», «эл-юрт ободлиги, ўз юрти, ўз Ватанига муҳаббат, ҳар қандай оғир синовлар қаршида ҳам ўзини, ўз қисмига йўқотмасдан, асл инсоний қиёфасини сақлаб қолиш, юксак маънавий қадриятларга садоқат билан яшашдир.

Халқимиз, миллатимиз асрлар давомида одамлилик, инсонни қадрлаш, меҳр-оқибат, баргиреклик каби эзгу фазилатларни кўз қорачиқдек асраб-авайлаб, неча-неча авлодларга безавол етказиб келётгани тари-

химиздан яхши маълум.

Эл-юртимизни минг йиллар оша турли тўфон ва бўронлардан омон сақлаб, барчамизга куч-қудрат бағишлаб келётган, ҳаётимизни ҳар томонлама юксалтирадиган бундай олижаноб қадриятлар, ўйламанки, оммавий ахборот воситаларимиз учун ҳеч қачон аҳамиятини, қадрини йўқотмайдиган бош мавзулар бўлиб қолади. **Чунки, маънавиятни асраш — аввало инсонийликни, инсоннинг ўзини асраш демократия.** Маънавий дунёмизга қарши қаратилган таҳдид ва хуружлар тобора кучайиб бораётган бугунги вазиятда бу ўткир ҳақиқатни барчамиз асло унутмаслигимизни истардим.

Шулар ҳақида гапирганимиз, рухсатингиз билан, илгари ҳам айтган фикримни яна бир бор эслатмоқчиман. Биз моддий томондан ривожланган мамлакатлардан балки ҳозирча биров орқададирми, лекин маънавий жиҳатдан манаман деган давлатлардан ўтиб кетганимиз, деб айтишга барча асосларимиз бор. **Бугунги кунда бошимизни банд қўтариб, гурур ва ифтихор билан яшашга имкон берадиган бундай бебаҳо бойликни қўлдан чиқармасдан, ёшларимизга ҳам етказасан, уларнинг онги ва қалбига чуқур сингдирсан, азиз фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида баркамол инсонлар этиб тарбияласан, ҳеч шубҳасиз, эртанги кун, келажак бизникидир.**

Ана шундай ўта муҳим ва долзарб вазифани адо этишда жамиятимиз, барчамиз аввало сизларга, сизларнинг билим ва тажрибангиз, профессионал маҳоратингиз, гражданлик позициянгизга таянамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, эл-юрт манфаати, адолат ва эзгулик йўлида ҳамisha ўзини аямасдан меҳнат қиладиган сиз, азиз журналистларни мен доимо қўллаб-қувватлашга, ҳар томонлама ёрдам ва кўмак беришга тайёр эканлигимни, сизларнинг ўзинингиз энг яқин ҳамфикр ва маънавий шерикимиз деб билишимни яна бир бор эътиборга олади.

Азиз дўстлар!

Бугунги кунда айёмда сизларни касб байрамингиз билан самимий муборакбод этиб, барчангизга сўхат-саломатлик, бахт ва омад, ижодий камолот тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Хурматли ватандошлар!

Хаммамизга аёнки, инсон бу ҳаётда бахт учун дунёга келади. Лекин бахт дегани фақат моддий бойликка интилиб, молу давлатга, ҳавойи орзуларга берилиб яшашни аниқламайди. Бахт — бу, менинг назаримда, «аввалб тинч-босойишта» ҳаёт, «оила», «эл-юрт ободлиги, ўз юрти, ўз Ватанига муҳаббат, ҳар қандай оғир синовлар қаршида ҳам ўзини, ўз қисмига йўқотмасдан, асл инсоний қиёфасини сақлаб қолиш, юксак маънавий қадриятларга садоқат билан яшашдир.

Халқимиз, миллатимиз асрлар давомида одамлилик, инсонни қадрлаш, меҳр-оқибат, баргиреклик каби эзгу фазилатларни кўз қорачиқдек асраб-авайлаб, неча-неча авлодларга безавол етказиб келётгани тари-

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси И.Халимбеков, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети декани М.Мирзоатова, "Наманган ҳақиқати" газетаси бош муҳаррири М.Парпиев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда янги жамият, озод ва обод ҳаётни барпо этиш борасидаги узоқни кўзловчи, пухта ўйланган ислохотлар жараёнида миллий матбуот соҳасини жадал раванқ топтириш, фуқароларнинг сўз ва ахборот олиш эркинлигини тўла таъминлаш масаласига устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг фикрлар, сўз ва эътиқод эркинлиги, ахборот эриш, олиш ва уни тарқатишга оид ҳуқуқлари, оммавий ахборот воситаларининг эркин ва қонунга мувофиқ фаолият юритиши, ахборот хавфсизлигига доир кафолатларнинг асосий тамойилларини белгиловчи меъёрлар мустаҳкамлаб қўйилган.

Соҳага оид миллий қонунчилик оммавий ахборот воситалари ҳамда нашриёт-матбаа корхоналарининг эркин ва самарали фаолият кўрсатиши, уларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг жамиятдаги нуфузи, ижтимоий мақомини ошириш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг ахборот олишга доир ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш имконини бермоқда.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлашти-

Эътибор ва ғамхўрлик — матбуотимиз ривожининг муҳим омили

риш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси миллий медиа соҳани босқичма-босқич ислоҳ этиш, уни изчил раванқ топтириш борасидаги истиқболларни белгилаб берди. Концепция доирасида қабул қилинган қонунлар оммавий ахборот воситалари, нашриётлар, полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларни янада ривожлантириш учун қулай шароитларни яратиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоат назоратини ўрнатишда уларнинг таъсирчанлигини тобора кучайтиришда кенг имкониятлар яратмоқда.

Сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш борасидаги изчил ислохотлар натижасида Ўзбекистонда медиа соҳанинг жадал ривожланиши, оммавий ахборот воситалари, жумладан, нодавлат оммавий ахборот воситалари сони ўсиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда рўйхатланган ўтган оммавий ахборот воситалари 1400 дан ортиб кетди. Улар орасида нодавлат медиа тузилмалар салмоқли қисмини эгаллаётгани нодавлат оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган кенг камровли саъй-ҳаракатларнинг

ёркин ифодасидир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилаётган "Олтин қалам" миллий мукофоти учун халқаро танлов, "Энг улук, энг азиз", "Йилнинг энг фаол журналисти" республика кўриктанловлари журналистларни ижодий парвозлар сари руҳлантириш, жамиятнинг турли жаҳдаларидаги долзарб масалалар ечимини топишга йўналтирилган, теран таҳлилий асосдаги материаллар тайёрлашни рағбатлантириш, соҳа ходимларини ўз фаолиятига янгича назар билан ёндашишга ундашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда ушбу ижодий лойиҳалар мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳада кечяётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини халқимиз ва жаҳон жамоатчилигига янада кенгрок етказиш, юртдошларимизда фаол фуқаролик позицияси, Ватан қадри ва келажаги учун дахлдорлик туйғусини кучайтиришда ОАВ ходимларининг иштироки ва ҳиссасини оширишдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказилган "Йилнинг энг фаол журналисти — 2014" республика кўрик-танловининг голиби ва совриндорлари тақдирланди. Ўзбекистон Республи-

каси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Миллий телерадиокомпания, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамкорлигида оммавий спорт тарғиботи бўйича фаоллик кўрсатган журналистларга диплом ва совғалар топширилди.

Тақдирланганлар номидан сўзга чиққан Қорақалпоғистон Республикасининг "Истиқлол ва қонун" газетаси масъул котиби Саламат Ажимов, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "O'zbekiston" телеканали "Ахборот" инфорамацион дастурлар бош муҳарририяти бош муҳаррири ўринбосари Сергей Алибаев ва бошқалар миллий матбуот соҳасини изчил раванқ топтириш, соҳа ходимларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, янги-янги ижодий марралар сари руҳлантириш борасида кўрсатаётган ҳар қишлоқ эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоасининг "Ойдин" спектакли намойиш этилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.Боситинова, А.Икромов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Олий суд раиси Ш.Ғозиев бошқарган мажлисда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамиятда қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган изчил ислохотлар суд-ҳуқук тизимини демократлаштириш ва либераллаштиришга хизмат қилаётганини таъкидлади. Натижада фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш самарадорлиги ортиб, жамиятда адолат барқарорлиги таъминланмоқда.

Мажлисда Пленумнинг "Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида"ги қарори лойиҳаси муҳокама қилинди.

Ўзбекистон юксак транспорт-коммуникация ва транзит салоҳиятига эга мамлакатлардан бири ҳисобланади. Бу имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадида ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда автомобилсозлик янада ривожлантириш, янги замонавий йўллар барпо этиш ва мавжудларини реконструкция қилиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Энг асосийси, автомобилсоз-

Xabar

Олий суд Пленуми мажлиси



лик sanoatiga асос солини ва бугунги кунда Ўзбекистон автомобил йишалаб чиқарувчи ва уни экспорт қилувчи 28 давлатдан бири сифатида дунёга танилди. Юртимиз кўчаларида йилдан-йилга ўзимизда ишлаб чиқарилган турли русумдаги автомобиллар тобора кўпайиб бораётди. Бу соҳа иқтисодий тизимининг янада юксалишига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида соҳага оид қатор янги қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, 2013 йилда қўнғирилган янги таҳрирдаги

"Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги қонун фуқаролар ҳаёти ва соғлиги муҳофаза этилиши, уларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулк, шунингдек, атроф-муҳит ҳимоя қилинишини таъминлашга мустаҳкам асос яратди. Шу йўналишда қабул қилинган бошқа қонун ҳужжатларида йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари тақомиллаштириш, уларни бузиш билан боғлиқ ҳолатлар учун жавобгарлик кучайтирилди.

Ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартиби тақомиллаштирилгани, автомобиллар ҳаракатини кузатиш ва назорат қилишнинг марказлаштирилган ягона ахборот-компьютер тизими шакллантирилаётгани ва бошқа комплекс чора-тадбирлар амалда қўтилган самарани бераётди.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, йўлларда содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида дунёда ҳар йили 1,2 миллиондан ортиқ одам ҳаётдан қўн юмар экан. Мазкур нуфузли халқаро ташкилотнинг маърузасида Ўзбекистон йўл ҳаракати хавфсизлиги учун хавфли омилларнинг олдини олиш чораларини кўраётгани, яъни транспорт

воситасини маст ҳолда бошқаришни истисно этувчи, хавфсизлик камаридан фойдаланишни таъминловчи мукамал қонун нормаларига ва бошқа бир қатор йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини назарда тутувчи қонунчилик базасига эга бўлган давлатлардан бири сифатида эътироф этилган.

Пленумнинг "Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида"ги қарорини қабул қилишдан кўзланган мақсад транспорт ҳаракати хавфсизлигига оид қонунларни амалиётда самарали тадбиқ этишдир. Бу соҳада ягона суд амалиёти шакллантириш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.


Йиғилишда "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қарори лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И.Абдуллаев иштирок этди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

Seminar

Ҳуқуқий журналистика истиқболлари



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу жараёнда ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамиятининг муҳим шартини бўлган суд-ҳуқуқ тизимини қишлоқнинг муқоабати билан концепцияси амалиётга жорий этилди.

Ярашув институти жорий этилганлиги туфайли 160 мингдан ортиқ шахс ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинди. Шунингдек, судларда ишларни кўриш жараёнида етказилган зарар қолганни сабабли 30 мингдан ортиқ кишига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди.

Соҳадаги ижобий ўзгаришлар, инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг изчил таъминланаётгани оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилиб борилаётгани.

Бу мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлиги Конституция ва қонунлар билан кафолатлангани натижасидир. Суд мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги ислохотлар самарадорлигини оширишда ҳуқуқий нашрлар ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Миллий матбуотда янги йўналиш — ҳуқуқий журналистика шаклланиши соҳага оид қизиқarli ва ишончли ахборот, мақола, лавҳа, ре-

портаж ва суд очерклари тайёрланишида муҳим ўрин тутаётди.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, журналистлар иштирок этган тадбирда суд ҳокимиятининг очиллиги — ҳуқуқий демократик давлатнинг муҳим шартини, суд ҳокимияти ва ОАВ муносабатининг ҳуқуқий асослари, судлар фаолиятида ошқораликни таъминлашда ОАВнинг ўрни, суд-ҳуқуқ ислохотларини ёритишда журналист маҳорати каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Семинар иштирокчилари судлардан ахборот олиш, суд жараёнида ОАВ вакилларининг иштироки, суд-ҳуқуқ соҳасида ижод қилувчи журналистларнинг ихтисослашуви, касб маҳоратини ошириш ва хорижий мамлакатларнинг суд ҳокимияти билан ОАВ муносабатларига доир тажрибаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этиши билан боғлиқ мулоҳазаларини билдирди.

ЎЗА мухбири

Маълумки, кундалик турмушимиз ўзаро мулоқот ва манфаатлар мувозанатига асосланган. Ушбу жараёнда қимгадир қарз бериш ёки баъзи ҳолларда қимдан қарз олишга тўғри келади. Ҳазирги бозор иқтисодиёти шароитида олинган маҳлуани ўз вақтида қайтариш ва икки субъект ўртасида ишончнинг устуворлигига эришиш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз қонунчилигида бу борадаги муносабатлар қарз шартномаси билан тартибга солинади.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 732-моддасига асосан, қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчи) пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса, қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Қарз шартномаси пул ёки ашёлар топширилган пайдан бошлаб тузилган ҳисобланади. Олий суд Пленумининг "Фуқаролик кодексининг таъбиқ қилишда суд амалиётида вуқудга келадиган айрим ма-

салалар тўғрисида"ги қарорининг 21-бандига кўра, қарз берувчи юридик шахс бўлганда ёки фуқаролар ўртасида тузилган қарз шартномасининг суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлган ҳолларда қарз шартномасини оддий ёзма шаклда тузиш талаб қилинади. Судлар қарз шартномасининг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмаслигини назарда тутишлари лозим. Лекин Фуқаролик кодексининг 109-моддаси 1-2-қисмларига мувофиқ, бундай ҳолларда тарафларни қарз шартномасининг тузилганлигини ва унинг шартларини гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади, аммо бу уларни ёзма ва бошқа далиллар келтириш имкониятидан маҳрум қилмайди.

Агар пул ёки ашё олганлик

факти инкор этилмаса, у ҳолда уни ёзма далиллар билан тасдиқлаш талаб қилинмайди, ҳар бир тараф ўз талабларини асослаш учун келтириётган ҳолатларни исботлашга мажбур.

Шунга кўра, бир тараф пул ёки ашёни қарз учун берганини тасдиқлаб, иккинчи тараф уни олганини инкор қилмасдан бу пул ёки ашё қарзга эмас, балки ҳада тарикасида берган деб тасдиқласа, суд пул ёки ашё олган тарафдан қарз эмас, балки ҳада шартномаси бўлганлигини тасдиқловчи далилларни талаб қилиб олиши ва шу асосга кўра, низоини ҳал қилиши лозим.

Мисол учун даъвогар Искандар Сафарбоев судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2008 йил 1 августда жавобгар С.Собировга қарз ойнаган 15 фоииз устама тулаш шартини 10 миллион сўм қарз берганини, бу ҳақда жавобгар тилхат ёзиб берганини, шу-

Fuqarolik qonunchiligi

Қарз

нингдек, 2009 йил 15 апрелда яна 35 миллион сўм қарз олиб, тилхат ёзиб берганини, лекин 2 йилдан буён жавобгар олган қарзларини тўламастан келаятганини билдириб, қарзларни устама ҳақи билан ундириб беришни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлар ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, жавобгар Сардор Собиров ҳақиқатдан ҳам, ушбу саналарда юқорида қайд этилган миқдорда қарз олган ва уларни 2009 йил 1 ноябрда қайтариб беришга ваъда берган. Бироқ даъвогарнинг оғохлантиришлари қарамай, жавобгар қарзларини тўлаш чорасини кўрмаган.

Суд ишдаги материаллар ҳамда юқоридаги қонун талабидан келиб чиқиб, даъвогарнинг даъвосини қаноатлантирди, яъни жавобгар С.Собировдан даъвогар фойдасига қарзини ундириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилди.

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Энг муҳими, бу борадаги ҳуқуқий асослар давр талабидан келиб чиқиб, изчиллик билан такомиллаштириб боришда. Яқинда давлатимиз раҳбари томонидан имзоланиб, матбуотда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қонун ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Айтиш керакки, мазкур қонунга асосан амалдаги "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонун янги 251-модда билан тўлдирилди.

Мазкур янги норма Конституциямизнинг 103-моддасига киритилган янги демократик меъёрларни ҳаётга самарали жорий қилишга, яъни вилоят, туман ва шаҳар ҳокими томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан тегишли халқ депутатлари Кенгашига ҳисоботлар тақдим этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Айтиш керакки, қонун талабига кўра, вилоят, туман, шаҳар ҳокимининг ҳисоботи тегишли халқ депутатлари Кенгашининг вилоят, туман, шаҳарнинг ўтган йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши яқунлари ва жорий йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари ва бағишланган мажлисида эшитилади. Мазкур маж-

лис вилоятларда ва Тошкент шаҳрида Вазирлар Маҳкамасининг тегишли мажлиси ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай, туманлар ва шаҳарларда эса, вилоятларда тегишли мажлислар ўтказилган, ўн кундан кечиктирмай ўтказилади. Бу эса, халқ депутат-

даки, ҳокимнинг ҳисоботи эшитишга бағишланган халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш мажлисларига тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сайланган Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатларини тақлиф этиш белгилаб қўйил-

ти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги ва ошқоралигини таъминловчи тамойил мужассам.

Қонун нормасининг эътиборга молик жиҳатларидан яна бири шундаки, ҳоким ҳисоботини муҳокама қилиш яқунлари бўйича халқ

ши устидан назоратни таъминлаш бўйича чора-тадбирларнинг белгиланиши ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига ҳуқуқий асос бўлади.

Қонун талабига кўра, ушбу қарор ва ҳокимнинг ҳисоботи расмий нашрларда ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг веб-сайтларида эълон қилиниши шартлиги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш билан бирга унинг бевосита ҳуқуқни қўлловчилар ҳамда фуқаролар учун танишиш ва фойдаланиш имкониятини кенгайтиради.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу қонун маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг назорат функцияларини янада кучайтириш, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид вазифаларини рўёбга чиқариш борасидаги конституциявий норманинг қонунчилик механизмларини такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, унинг амалда татбиқ этилиши маҳаллий давлат ҳокимияти органлари олдида турган вазифаларни самарали ҳал этиш, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш ва пировард натижада ҳар бир фуқаронинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

Мухтабар ҲУСАНОВА,
Наргиз ХАЛИЛОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Yangi qonun mohiyati

Такомиллашгаётган қонунлар

мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилади

лари Кенгашлари ишининг самарали ташкил этилишига ҳуқуқий замин бўлади. Масаланинг энг муҳим томони шундаки, айнан вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ҳисоботи муҳокамаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида берилган баҳолаш ва белгиланган вазифалар инobatта олинган ҳолда, туман ва шаҳар ҳокимининг ҳисоботи эса, Вазирлар Маҳкамасининг, шунингдек, халқ депутатлари вилоят Кенгашларининг мажлисларида берилган баҳолаш ва белгиланган вазифалар ҳисобга олинган ҳолда ўтказилади. Мазкур тартиб муҳокамаларнинг тизимли бўлишини, аниқ йўналиш асосида ўтказилишини таъминлайди.

Қонунга киритилган ушбу янги норманинг эътиборга молик яна бир жиҳати шун-

ган. Бу эса, муҳокамаларнинг янада демократик тарзда ўтишига, ҳам ҳокимнинг, ҳам депутатларнинг масъулиятини оширишга, энг муҳими, парламент аъзосининг сайланган ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатидан доимий бохабар бўлишга хизмат қилади.

Шунингдек, қонунда мазкур йиғилишларда тегишли ҳудудда жойлашган бошқа давлат идоралари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, шу жумладан, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва бошқа шахслар тақлиф этилиши тўғрисидаги норманинг белгиланиши заманида ҳам давлат ҳокимия-

депутатлари Кенгашининг қарори қабул қилиниб, унда тегишли ҳоким ва маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари ишининг самардорлигига комплекс баҳо берилади, уларнинг ишини такомиллаштиришга доир тавсия ва тақлифлар, шунингдек, қарорнинг амалга оширилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланади. "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким ўз ваколатлари доирасида қабул қилган ҳужжатлар тегишли ҳудудда жойлашган барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурий бўлиб, айнан мазкур қарорда уни амалга оширилишининг бори-

Xabar

Маъмурий юстиция: Ўзбекистон тажрибаси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Тадбир Олий суд ва Адлия вазирлиги томонидан Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ)нинг "Марказий Осиёда ҳуқуқий давлатчиликка кўмаклашиш" дастури билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Анжуманда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотлари ва маъмурий қонунчиликни такомиллаштиришнинг долзарб йўналишлари муҳокама этилиб, бу борадаги халқаро тажриба кўриб чиқилди.

Олий суд ва Олий ҳўжалик суди, Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти судлари судьялари, адлия органлари вакиллари, юртимиздаги ҳамда халқаро экспертлар ушбу масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашди.

Олий суд ҳузурдаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда

суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази директори Н.Жўраев ва бошқалар мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотлари маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда юзага келадиган тортишувларни ҳал этишга қаратилган маъмурий юстиция тизимида ҳам изчиллик билан амалга оширилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистонда маъмурий юстиция тизимининг самарали фаолият юритиши учун яратилган ҳуқуқий асослар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини судда ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилаётгани қайд этилди. Нафақат фуқаролар, балки юридик шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорлар манфаатлари ҳам маъмурий юстиция соҳасига қиради.

Конференцияда миллий суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич модернизация қилиш ва такомиллаштириш ўз самарасини бераётгани ҳақида ҳам сўз юритилди. Умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқа-

ролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилгани, кассация инстанцияси ислох қилиниб, суд ишларини қайта кўришнинг апелляция тартиби жорий қилинган, жиноятлар таснифи ўзгаририлиб, ярашув институти татбиқ этилгани ушбу жараёнларнинг муҳим босқичлари бўлди. Шунингдек, тергов ва шахсни қамоқда сақлаш муддатлари қисқартирилди, прокурор фаолияти ислох этилиб, адвокатура институти такомиллаштирилди, ўлим жазоси бекор қилинди, "Хабас корпус" институти жорий этилди, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистонда ушбу йўналишларда амалга оширилаётган ислохотларга кучли туртки

берди. Хусусан, суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида ҳимоячи ва айбловчининг ўзаро тортишувини таъминлаш тизими ҳамда механизмларини такомиллаштириш мақсадида "Хабас корпус" институтини қўллаш соҳаси янада кенгайтирилди. Бу ўринда судга қадар иш юритув босқичида қўлланадиган чоралар, яъни лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурият чораларини қўллаш ваколатлари судга ўтказилди.

— Суд-ҳуқуқ тизимининг бу тарзда инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштирилаётгани Ўзбекистоннинг демократияни ривожлантириш йўлидан оғишмай бораётганидан далолатдир, — деди Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ)нинг "Марказий Осиёда ҳуқуқий давлатчиликка кўмаклашиш" дастури директори Йорг Пуделька. — Дастуримизни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш тарафдор эканига ишонч ҳосил қилмоқдамиз. Мазкур тадбир мамлакатимизда бу борада тўпланган тажрибани кўриб чиқиш имконини бергани билан аҳамиятлидир.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА мухбири

Шартномаси

мулкий ҳуқуқлар ҳимоясини таъминлашнинг муҳим кафолатидир

Айтиш керакки, Фуқаролик кодексининг 734-моддасига асосан қарз шартномаси қарз бўйича олган мулк (ашё)нинг қайтарилишини назарда тутаяди, қарз суммасига олинадиган фоизлар миқдори шартномада белгиланади. Агар қонун ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи (юридик шахс ёки фуқаро) қарз олувчидан қарз суммасига шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда фоизлар олиш ҳуқуқига эга бўлади. Қарз олувчидан фоизлар ундиришда суд бир вақтинчалик суднинг ҳисобидан давлат фойдасига солиқ ушлаб

қолиши лозим. Фуқаролик кодексининг 327-моддасида кўрсатилган пул мажбуриятини, шунингдек, қарз мажбуриятини бажармаганлик учун фоизлар қарз шартномасида белгиланган фоизлардан ҳам ортиқ ҳисобланаши мумкин.

Агар қарз мажбурияти қарз олувчи томонидан берилган вексель, облигация ёки қарз суммасини ва қарз берувчининг уни ундириб олиш ҳуқуқини белгилайдиган бошқа қимматли қоғоз билан тасдиқланган бўлса, қарз шартномасининг ёзма шаклига риоя қилинган ҳисобланади. Агар қарз шартномаси бўйича қарз олувчи

га турга хос аломатлари билан белгиланган ашёлар топширилса, уларнинг миқдори ва шакли (пул ёки натура ҳолида) шартномада кўзда тутилган ҳолларда фоизлар тўлашни керак.

Фоизлар тўлаш тартиби ва муддатлари қарз шартномаси билан белгиланади. Агар фоизлар тўлаш тартиби ва муддатлари шартномада белгиланган бўлмаса, улар асосий қарзни қайтариш учун шартномада назарда тутилган тартибда ва муддатларда тўланади. Қарз олувчи олинган қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда қайтариши шарт.

Агар қарз суммасини қайтариш муддати шартномада белгиланган бўлмаса, қарз олувчи уни қарз берувчи қарзни қайтариш ҳақида талаб қўйган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида қайтариши керак.

Таъкидлаш жоизки, ёзма

шаклда тузилиши лозим бўлган қарз шартномаси юзасидан гувоҳларнинг кўрсатмалари ёрдамида даъволлаш мумкин эмас, аммо шартномада қарз берувчи қайтариш, бир сўз билан айтганда, жиноий жазага лойиқ хатти-ҳаракатлар натижасида тузилуви ва шу тўғрисида рафларнинг мулкий ҳуқуқи бўзилган тақдирда, қарздор гувоҳлар ёки бошқа асосларга таянган ҳолда даъво талабларини исботлашга қарадиган ва ҳужжатлар билан ўзини ҳимоя қилишга ҳақли.

Шу билан бирга, қарз олувчи қарз шартномасида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаса, шунингдек, қарзнинг таъминоти қарз берувчи жавобгар бўлмаган вазиятларда йўқотилса ёки унинг шартлари ёмонлашса, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи қарз олувчидан қарз суммасини муддатидан

олдин қайтаришни ва тегишли фоизларни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Бундай даъво талаблари асосан фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан қонун асосида ҳал этилади.

Хулоса ўрнида айтганда, қарз шартномаси инсонийлик, зарур пайтда ўзгаларга ёрдам қўлини чўзиш ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдек эзгу қадриятларни ўзида мужассам этган ҳуқуқий келишувдир. Шундай экан, қарз шартномасида белгиланган мажбуриятларни тўлиқ адо этиш тарафларнинг қонуний манфаатларини таъминлабгина қолмай, улар ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш, турли низолар ва ортиқча оворагарчиликларнинг олишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Журъат НАФАСОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилояти судининг раиси

Islohot va samara

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари

Одил судлов самардорлигини оширишда муҳим ўрин тутди

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган изчил ва босқичма-босқич ислохотларнинг замирида қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратишдек эзгу мақсадлар мужассамдир.

Шу маънода судлар фаолиятга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш соҳадаги янги йўналишларнинг узвий давоми ҳисобланади. Бу ҳақда сўз борганда, бугунги кунда умумий юрисдикция судлари фаолиятга замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг изчиллик билан жорий этилаётгани суд ишларини тезкорлигини оширишга хизмат қилаётганини таъкидлаш лозим.

Шуни қайд этиш жоизки, бу борадаги қўланилган давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 21 мартдаги "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Судлар фаолиятга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган Судлар фаолиятга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастури доирасида амалга оширилмоқда.

Мазкур дастур асосида судлар фаолиятида компьютерлаштириш даражаси ва компьютер техникасидан фойдаланиш самардорлигини ошириш, судларда ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатиладиган интерфаол хизматлар қўламини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш борасида изчил иш олиб боришмоқда.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси бўйича, шунингдек, умумий юрисдикция судлари фаолиятга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг концептуал йўналишлари ва мақсадли кўрсаткичлари белгилаб олинди. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси умумий юрисдикция судларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш концепцияси ишлаб чиқилди.

Утган даврда мазкур концепция асосида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Адлия вазирлиги ҳузурдаги Суд департаменти томонидан куйи судларни компьютер ва идора техникаси билан етарли даражада таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Бундан ташқари Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда куйи судларда маҳаллий ҳисоблаш тармоқларини ташкил этиш ва уларни корпоратив тармоққа бириктириш борасида зарур техник ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Қоғозсиз ва автоматлашти-

рилган иш жараёнларига босқичма-босқич ўтиш йўли билан суд ишларини юритишнинг тезкорлигини таъминлаш чоралари кўрилди. Бу борада фуқаролар учун маълумотлар алмаштиришнинг электрон воситалари орқали даъво, илтимоснома ва улارга илоҳ ва қилинадиган ҳужжатлар билан биргаликда судга мурожаат қилиш имкониятини яратиш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилди.

Яъни Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузурдаги эксперт комиссияси томонидан Олий суд ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури ҳамкорлигидаги лойиҳа доирасида ишлаб чиқилган "Фуқаролик ишлари бўйича судларда "E-SUD" электрон суд иш юритиш ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва кенгайтириш учун техник топшириқ" тасдиқланди.

"E-SUD" миллий ахборот тизими 2014 йил давомида фуқаролик ишлари бўйича Зағиота туманлараро судида синов тарихида суд буйруқлари бўйича иш юритиш қисмида амалда жорий этилди. "E-SUD" тизимининг қулай ва афзал жиҳатлари шундаки, у ўзига хос ишлаш тартиби ва имкониятларга эга. Бу эса, жумладан, интерфаол суд хизматини йўлга қўйиш ҳамда ортиқча сансалорликларни камайтириш имконини беради.

Шунингдек, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонуннинг 5-моддасига кўра, фуқаролик ишлари бўйича судларда иш юритишнинг соддалаштириш, судга ариза ва илтимосномаларни электрон шаклда юбориш тартибини жорий қилиш мақсадида Фуқаролик процессуал кодексининг 39 та моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Қонун 2016 йилнинг 1 январидан эътиборан амалга киритилади. Натижада фуқаролар томонидан фуқаролик ишлари бўйича судларга электрон шаклда мурожаат қилиш, судлар эса, чақирув қоғозлари, қарор нусхалари ва бошқа суд ҳужжатларини электрон шаклда юбориш имкониятига эга бўлади.

Хулоса ўрнида айтганда, судлар фаолиятга замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг изчил жорий қилиниши, ҳеч шубҳасиз, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятларини янада кенгайтиради.

Ҳамиджон ШАМШИЕВ,
Олий суд бўлим бошлиғи

Qaror va ijro

Суд ҳужжатлари ижроси

қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашнинг зарурий воситасидир

Аввало шунини айтиш жоизки, судлар томонидан қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш жамиятда қонунийлик ва қонун устуворлигини қарор топтириш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатлари тикланишига эришиш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончининг орттишига хизмат қилади. Бу борада "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ – 2014» ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Абдурахмонова Улдона — "Тил ва адабиёт таълими" журналі бўлими муҳаррири
Таълим жараёнида амалга оширилган тиб ислохотлар ва ижтимоий мавзудаги долзарб материаллари, илмий-публицистик мақолалари учун

Абдулфайзов Махмуд — "Сурхон тонги" газетаси бўлими мудири
Вилоятда амалга оширилган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари, аҳоли турмуш тарзидаги туб ўзгаришлар, миллий қадриятларимизни улуғловчи мавзулардаги публицистик мақолалари учун

Ажимов Саламат — "Истиқлол ва қонун" газетаси маъсул котиби (Қорақалпоғистон Республикаси)
Қорақалпоғистон аҳолисининг бугунги ҳаёти, орзу-интиллари бағишланган, истиқлол берган чексиз имкониятлар турмуш фаровонлигига хизмат қилаётган ҳақиқдаги туркум мақолалари учун

Алибаев Сергей — "O'zbekiston" телеканали "Ахборот" инфoрмацион дастурлар бош муҳарририяти бош муҳаррири
Мамлакатимизни модернизациялаш ва янгилаш жараёнлари ҳамда республикада юз бераётган муҳим ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий воқеаларни кенг ва тезкор ёритгани учун

Исмоилов Отабек — "Хива тонги" газетаси муҳбири
Халқимизнинг бой тарихий-маданият мероси, анъана ва қадриятларини тиклаш ҳамда тарғиб этишга қаратилган туркум мақолалари учун

Мустафоев Асад — "Жиззах овози" газетаси бўлими муҳаррири
Халқимизга хос эзгу фазилатлар, уларнинг баркамол ёшлар тарбиясидаги ўрнига, ёш авлод эришаётган ютуқларга бағишланган мақолалари учун

Файзиёва Холида — "Хуррият" газетаси бўлими мудири
"Соғлом бола йили" ва "Кексаларни эъозлаш йили" Давлат дастурлари ижроси доирасида амалга оширилган ишлар ҳақидаги тахлилий материаллари учун

Холбобоев Эркин — "Ўзбекистон овози" газетаси муҳбири
Мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар самарасига бағишланган тахлилий мақолалари учун

Ўринбоева Севара — Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси лойиҳа раҳбари
Ўзбекистонда миллий қонунчилик тизimini такомиллаштириш борасида олиб бoриладиган саъй-ҳаракатлар ва парламент фаолиятини кенг

ёритишга бағишланган "Парламент соати" туркум кўрсатувлари учун

Шоева Сайёра — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Республика ахбороти тахририяти бўлими мудири
Мамлакатимизда аграр соҳадаги ислохотлар самаралари, экология муаммоларини бартараф этиш борасида олиб бoриладиган саъй-ҳаракатлар, юртдошларимизнинг муносиб ҳаёт кечиришлари учун амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишларини интернет тармоғида кенг ёритган тахлилий материаллари учун

Пўлатов Исомиддин — "Зарафшон" газетаси муҳбири (Самарқанд вилояти)

Сатторов Илҳом — Навоий вилояти телерадиокомпанияси муҳаррири

Сулаймонов Маъсуд — "Маънавият" газетаси муҳаррири (Фарғона вилояти)

Турдиев Мадраҳим — "Истиқлол-ТВ" телестанцияси муҳбири (Бухоро вилояти)

Файзиёв Хуршид — "Халқ ирода-си" газетаси бош муҳаррири (Наманган вилояти)

Шовқиев Одилбек — "Dunyo bo'ylab" телеканали катта муҳаррири

Эргашева Нодира — "Poytaxt" радиоси муҳаррири

Юсупов Рустам — "Маҳалла" газетаси муҳбири

Нўмонов Нурилла — "Андижоннома" газетаси муҳбири

Пардаева Кумуш — "Yoshlar" телерадиоканали "Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси дастурлари" муҳарририяти муҳаррири

Пўлатов Исомиддин — "Зарафшон" газетаси муҳбири (Самарқанд вилояти)

Сатторов Илҳом — Навоий вилояти телерадиокомпанияси муҳаррири

Сулаймонов Маъсуд — "Маънавият" газетаси муҳаррири (Фарғона вилояти)

Турдиев Мадраҳим — "Истиқлол-ТВ" телестанцияси муҳбири (Бухоро вилояти)

Файзиёв Хуршид — "Халқ ирода-си" газетаси бош муҳаррири (Наманган вилояти)

Шовқиев Одилбек — "Dunyo bo'ylab" телеканали катта муҳаррири

Эргашева Нодира — "Poytaxt" радиоси муҳаррири

Юсупов Рустам — "Маҳалла" газетаси муҳбири

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

Айтинг-чи, ўғлим ёки келинимнинг пластик карточасидан фойдаланишим мумкинми?

Отабек САЪДИЕВ,
Навоий вилояти,
Нурота тумани



— Марказий банк Бошқарувининг 2004 йил 21 февралдаги қарори билан тасдиқланган "Тижорат банклари томонидан банк карточкаларини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 7-банди "а" кичик бандига асосан шахсий банк карталарини бошқа шахслар (оила аъзолари, дўстлар ва бошқалар) ишончномасиз фойдаланиши мумкин.

Бундан кўринадики, сиз ўғлингиз ёки келинимизнинг банк пластик картасидан ишончномасиз фойдалана оласиз. Лекин банк муассасаларида фойдаланиш бундан истисно.

Чунки банк муассасалари банк операцияларини амал-

га ошириш билан шугулланиши боис барча операциялар мижознинг шахсан иштирокида шахсни тасдиқловчи ҳужжат асосида ёки банк пластик картаси эгаси томонидан фойдаланувчи номига белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома асосида амалга оширилади.

Айтингчи, қонунда фарзандини мактабга боришига қаршилик қилган ота-она учун қандай жавобгарлик белгиланган?

Собира ОТАМУРОВА,
Тошкент вилояти,
Чиноз тумани

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шунини айтиш кераки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасида болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик бўйича жавобгарлик белгиланган. Унга кўра, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан, вояга етма-

ган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши — энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шунингдек, болаларнинг маъмурий умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хуна таълими олишига ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан ўқитиш қилиш -энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қарздор белгиланган муддатда ижро ҳужжатини бажармаса, унга нисбатан қандай чора кўрилади?

Лобар ТУРДИКУЛОВА,
Фарғона вилояти,
Марғилон шаҳри

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 198-моддасида қарздорнинг ижро ҳужжатини ижро этмаслигига оид жавобгарлик белгилаб қўйилган. Жумладан, қарздорнинг ижро ҳужжатини унинг ихтиёрий равишда ижро этилиши учун белгиланган муддатда узрси сабабларга кўра ижро этмаслиги ёки унинг зиммасига муайян ҳаракатларни содир

етиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юқловчи ижро ҳужжатини узрси сабабларга кўра, суд ижросини белгиланган муддатда ижро этилмаслиги — фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса, ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Айтинг-чи, кекса ота-онасини моддий таъминлашдан бўйин товлаган фарзандларга нисбатан қонунчиликда қандай жавобгарлик назарда тутилган?

Сайфулла ИБРАГИМОВ,
Хоразм вилояти,
Гурлан тумани

— Жиноят кодексининг "Ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш" деб номланган 123-моддасидан сизнинг саволингизга жавоб топиш мумкин. Хусусан, вояга етган шахсларнинг меҳнатга лаёқатсиз ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган ота-онани ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаши, яъни

уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслиги — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Саволларга жиноят ишлари бўйича Сергели тумани судининг судьяси Шерзод Юлдашев жавоб берди

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 281-моддасида гаровга қўйилган мол-мулкни сотиш ҳақида сўз юритилган.

Ушбу Кодекснинг 280-моддасига мувофиқ ундирув қаратилган гаровдаги мол-мулкни сотиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кимовши савдосида сотиш йўли билан амалга оширилади.

Maslahat

Гаровга қўйилган мол-мулк

у қандай тартибда сотилади?

Гаровга қўйилган мол-мулкни сотиш ҳақида қаратиш тўғрисидаги қарорда уни кимовши савдосида сотишни бир йилгача муддатга кечиктиришга ҳақли. Кечиктириш ушбу мол-мулкни гаровга қўйиш билан таъминланган мажбурият бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчларига таъсир қилмайди ҳамда қарздорни кредиторнинг кечиктириш даври мобайнида кўпайган зарари ва неустойкани ундиришдан озод қилмайди.

Гаровга қўйилган мол-мулкнинг кимовши савдоси бошланадиган вақтдаги бошланғич сотиш баҳоси ундирув суд тартибда мол-мулкка қаратилган ҳолларда суд қарори билан ёки бошқа ҳолларда гаровга олувчининг гаровга қўйичи билан келишуви натижасида белгиланади.

Гаровга қўйилган мол-мулк кимовши савдосида энг юқори баҳони тақлиф қилган шахсга сотилади.

Кимовши савдоси амалга олмаган деб эълон қилинганда гаровга олувчи гаровга қўйичи билан келишиб, гаровга қўйилган мол-мулкни сотиб олишга ва харид нархини гаров билан таъминланган ўз талаблари ҳисобига ўтказишга ҳақли. Бундай келишувга нисбатан олиш-сотиш шартномаси қоидалари қўлланилади.

Такрорий кимовши савдоси амалга олмаган деб эълон қилинганда гаровга олувчи

гаров нарсасини такрорий кимовши савдосидаги бошланғич сотиш нархидан кўпи билан ўн фоиз камайтирган суммада баҳолаб, ўзида олиб қолишга ҳақли.

Агар гаровга олувчи гаров нарсасини ўзида олиб қолиш ҳуқуқидан такрорий кимовши савдоси амалга олмаган деб эълон қилинган кундан эътиборан бир ой давомида фойдаланмаса, гаров шартномаси бекор қилинади.

Агар гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан тушган сумма гаровга олувчининг талабини қоплашга етарли бўлмаса, у қонунда ёки шартномада бошқача кўрсатма бўлмаганида, етишмаётган суммани гаровга асосланган имтиёздан фойдаланмаган ҳолда қарздорнинг бошқа мол-мулкдан олиш ҳуқуқига эга.

Агар гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан тушган сумма гаровга олувчининг гаров билан таъминланган талабидан ошиб кетса, фарқ гаровга қўйичига қайтариб берилади.

Қарздор ёки учинчи шахс бўлган гаровга қўйичи гаров нарсаси сотилгунча хоҳлаган вақтда гаров билан таъминланган мажбуриятни ёки унинг ижроси кечиктириб юборилган қисмини бажариб, ундирувни унга қаратишга ва уни сотишга барҳам бериши мумкин. Бу ҳуқуқни чеклайдиган келишув ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир.

Саидахор УМАРОВ,
Олий суд судьяси

Qaror va ijro

Суд ҳужжатлари ижроси

қонунчилик ва қонун устуворлигини таъминлашнинг зарурий воситасидир

(Давоми. Бошланиш учинчи бетда)

Бирок ҳаётда турли баҳоналарни рўқач қилиб, зиммасидаги мажбуриятни бажармайдиган, суд қарорлари ижросини таъминлашдан бўйин товлайдиган кимсалар ҳам учраб туради. Мисол учун хоразмлик Хамдам Тожиев (исм-шарифлар ўзгартирилган) кимовши савдосида қоғида бир неча йилдан буюн ўзи бошқариб келган "Тико" русумли автомобилни ўзи харид қилиб олди. Ҳўш, бу ажабланарли воқеа қандай юз берди? Нега у ўзи бошқариб келган автомобилни сотиб олди?

Гап шундаки, Ҳ.Тожиев даставвал белгиланган тартибга риоя этмасдан, кўшни давлатдан харид қилинган ва мамлакатимизга ноқонуний йўлдан билан олиб кинрилган автомобилни қонун талабига биноан божхона рўйхатидан ўтказмади. Бож тўловиға доир мажбуриятни ҳам бажаришни гўёки "унутиб" қўйди. Аммо орадан бир муддат ўтгач, унинг бу кинғир иши фош бўлди.

Аниқроғи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан Ҳ. Тожиев бошқарувидаги "Тико" русумли автомобилни текширувдан ўтказилганида, унинг ҳеч қандай ҳужжати йўқлиги аён бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, божхона қоидаларига кўра, юртимизга четдан келтирилган транспорт воситалари мажбурий тарзда божхона рўйхатидан ўтказилиши, бож тўловлари амалга оширилиши зарур. Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат даромадиға ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарориди ҳам шахс, дав-



лат ҳамда жамиятнинг моддий, мулкый ва маънавий ҳуқуқларини таъминлаш чоралари аниқ белгилаб қўйилган. Чунончи, мазкур қарорға мувофиқ олиб қўйилган, давлат ҳамда ўзгаларға ўтказилиши зарур бўлган автомобилларнинг воситалари, шунингдек, кўчмас мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ масалаларға аниқлик киритилган. Жумладан, ушбу ҳужжатда олиб қўйилган ва давлат даромадиға ўтказилиши лозим бўлган бошқа мол-мулкларни сотиш қоидалари ҳам белгиланган бўлиб, ушбу воситалар тегишли тартибда очик кимовши савдосларида сотилиши назарда тутилган.

Хамдам Тожиевнинг қонунға хилоф қилиши судда ҳам ўз тасдиғини топди. Суднинг қарорига асосан "Тико" русумли автомобилни давлат эғалиғига ўтказилиб, кимовши савдосиға қўйилди. Кўзи мошдай очилган қоидабузар эса, машинаға харидор бўлишдан бўлачора тополмади. Албатта, амалдаги қонунчилиғимизға риоя этмаган киши эртамкечми, Ҳ.Тожиев каби қонун олдида жавоб беришға мажбур бўлади. Албатта, суд ҳоқимияти томонидан чиқарилган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир. Уларда белгилаб қўйилган

мажбуриятларни адо этмаслик қонуний жавобгарликка сабаб бўлади. Келинг, яна мисолларға мурожаат этайлик.

Питнак туманида яшайдиган Н.Шерзонова ҳам суднинг қарорини бажаришни пайсалға солди. Аниқроғи, у ўзига тегишли ноқонуний қирилган иморатни ўз ҳисобидан бузишға оид суд қарорини бажаришдан бўйин товлагани учун қонуний жавобгарликка тортилди. Унга нисбатан кўзғатилган жиноят иши амнистия актиға асосан айбдорлик масаласи ҳал бўлмай туриб, юри тувдан тугатилди.

Кези келганда шунини ҳам айтиш жоизки, Адлия вазирлиғи ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан жорий йилнинг дастлабки чоғида қиймати 83,8 миллиард сўмға тенг бўлган 26 688 та ҳужжатнинг ижроси таъминланди. Шунингдек, 19 762 та ҳужжатнинг ижроси таъминланди. Бу ўтган йилнинг шу давриға нисбатан 45,2 миллиард, бажарилган ишлар миқдорига нисбатан 25,8 миллиард сўм кўп демаякдир.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, суд қарорлари ижросини таъминлаш турли қонунбузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, фуқаролар онғида қонунларға итоаткорлик руҳини шакллантириш, бир сўз билан айтганда, юртимизда қонун устуворлиғи ва ижтимоий адолатни қарор топтиришнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Абдихоҳ ОРИПОВ,
Суд департаментининг Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шоюнус ГАЗИЕВ
Светлана АРТИКОВА
Кўчқор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ

Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Файрат ХИДОЯТОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор
ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод
ҲАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзиллизи: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй.
Тел.: (8 371) 239-02-55, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@oflyud.uz

Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-622. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда. Адади: 7145.
1 2 4 5 Тошпириш вақти: 20⁰⁰. Тошпирилди: 23⁰⁰